

## ИСТЕЙМОЛ БОЗОРИ

2019 йилнинг январь–мартида чакана савдо товар айланмаси 1905,1 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 110,8 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 98,4 га ўсиб, 361,6 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 19,0 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 5,9 фоизга ўсиб, 352,0 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 18,5 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 1191,4 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг хисобига тўғри келди 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 фоизга ошди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 62,5 фоизга тенг бўлди.

### Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2018 йилнинг январь–март ҳолатига)



2019 йилнинг январь–мартида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуидагича ифодаланади.

Давлат мулки 0,5 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 102,0 фоизни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 1904,6 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 110,8 фоизни ташкил қилди.

### **Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси**


	млрд. сўм	2018 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>1905,1</b>	<b>110,8</b>	<b>100,0</b>
<i>ишу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича</i>			
давлат мулки	0,5	102,0	-
нодавлат мулки	1904,6	110,8	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	1191,4	101,2	x

Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Бухоро шахри 35,4 фоиз, Фиждувон тумани 17,7 фоиз, Қорақўл тумани 9,9 фоиз, Ромитан тумани 6,1 фоиз ва Жондор тумани 5,2 фоизни ташкил этган бўлса, Олот тумани 2,0 фоиз, Когон тумани 1,7 фоиз, Коровулбозор туманида 1,5 фоиз улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Чакана товар айланмаси шаҳар ва туманлар кесимида**  
**(умумий овқатланишини қўйиган ҳолда)**

	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2018 йил январь-мартга нисбатан, % ҳисобида	минг. сўм	2018 йил январь-мартга нисбатан, % ҳисобида
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>1905,1</b>	<b>110,8</b>	<b>1004,1</b>	<b>109,1</b>
<i>шаҳарлар</i>				
Бухоро	674,8	118,0	2425,5	117,3
Когон	75,1	106,1	1237,5	105,3
<i>туманлар</i>				
Олот	38,1	106,5	390,3	104,6
Бухоро	82,6	106,4	505,7	104,4
Вобкент	114,0	116,1	830,7	114,1
Фиждувон	337,5	106,5	1127,5	104,8
Когон	32,4	106,3	424,6	103,8
Қоракўл	188,3	106,3	1165,7	104,3
Қоровулбозор	29,4	106,6	1625,2	104,8
Пешкў	40,8	106,5	339,1	104,5
Ромитан	115,3	106,4	830,7	104,6
Жондор	98,8	106,6	576,1	104,5
Шоғиркон	78,0	106,4	447,5	104,8


**Туманларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши  
фоиз ҳисобида**



Умузий овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 68,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 106,1 фоизга ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умузий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 3,6 фоизни ташкил этди.

Умузий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умузий ҳажмида энг катта улуш Бухоро шаҳри 36,9 фоиз, Фиждувон тумани 15,9 фоиз, Қоракўл тумани 10,1 фоиз ташкил этган бўлса, Пешкӯ тумани 2,2 фоиз, Олот тумани 2,1 фоиз ва Когон тумани 1,2 фоиз улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

## Туманларнинг умумий овқатланишдаги улуши, фоизда




Овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, чакана савдо товар айланмаси ахоли жон бошига ) 1,0 млн. сўмни ташкил этди. Ўртacha жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Бухоро шаҳри (2,4 млн. сўм), Коровулбозор тумани (1,6 млн. сўм), Когон шаҳри (1,2 млн. сўм), Коракўл тумани (1,2 млн. сўм), Фиждувон тумани (1,1 млн. сўм) кузатилди.

2019 йилнинг январь–мартида улгуржи савдо товар айланмаси 437,1 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 103,4 фоизни ташкил қилди.

Умумий улгуржи савдо товар айланмаси ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсишига қарамасдан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 40,5 фоизга ошиши кузатилиб, ҳажми 118,9 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, улгуржи савдо товар айланмаси ҳажимда катта улушга эга бўлган Бухоро шаҳри (38,3 фоиз), Пешкў тумани (14,8 фоиз), Когон тумани (10,5 фоиз) ни ташкил этган бўлса, Когон шаҳри (2,0 фоиз), Коровулбозор тумани (1,9 фоиз) ва Шофиркон тумани (1,7 фоиз) улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Бухоро вилояти худудларининг улгуржи савдо товар  
айланмасидаги улуши, фоизда**



Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 5,9 фоизга камайиб, 118,9 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 27,2 фоизни ташкил қилди.

**Улгуржи савдо товар айланмаси шаҳар ва туманлар кесимида**

	млрд. сўм	Жамига нисбатан, % ҳисобида	2018 йил январь- мартига нисбатан, % ҳисобида
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>437,1</b>	<b>100,0</b>	<b>103,4</b>
Бухоро ш.	167,5	38,3	99,1
Когон ш.	8,6	2,0	95,4
<i>туманлар</i>			
Олот	13,3	3,0	84,0
Бухоро	21,9	5,0	88,1
Вобкент	19,2	4,4	167,1
Фиждувон	23,3	5,3	101,5
Когон	46,0	10,5	120,9
Қоракўл	9,3	2,1	3,5 м.к.
Қоровулбозор	8,1	1,9	88,7
Пешкў	64,6	14,8	94,7
Ромитан	24,4	5,6	104,6
Жондор	23,7	5,4	103,1
Шоғиркон	7,2	1,7	137,2